

УРУҒЛАРНИНГ ЭКИНБОПЛИК СИФАТИНИ НАВ ТАВСИФНОМАСИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ

Расулов Дилмурод Ибодиллоевич,

кичик илмий ходим, қ.х.ф.ф.д.,

Хожамбергенов Насим Маминавич,

катта илмий ходим, қ.х.ф.ф.д.,

Турапов Суннатулла Хайруллаевич,

мустақил тадқиқотчи,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Ушбу мақолада дала тажрибаларини олиб бориш учун экиш олдида янги навлар уруғларининг экинбоплик сифатини аниқлаш бўйича лаборатория шароитида намуналарини танлаб олиш ёритилган.

Калим сўзлар: уруғлик чигит, элита, биринчи авлод, уруғлик қўчатзор, дала кўриги, қўчат, ўсимлик, якка танлаш, касаллик, зараркунанда.

Аннотация. В данной статье проведены данные полевых опытов описан отбор проб, а также определения качество семян новых сортов в лабораторных условиях перед посевом.

Ключевые слова: семена хлопчатника, элита, первая репродукция, семенной питомник, полевой просмотр, саженьцы, растение, индивидуальный отбор, болезнь, вредитель.

Annotation. This article presents data from field experiments, describes the sampling, and also determines the quality of seeds of new varieties in laboratory conditions before sowing

Keywords: cotton seeds, elite, first reproduction, seed nursery, field viewing, seedlings, plant, individual selection, disease, pest.

Кириш. Ўзбекистонда уруғлик чигит сифатини аниқлаш бўйича бир қанча олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Улар, айниқса, уруғликнинг униб чиқиш қуввати ва унвчанлиги ҳамда дала унвчанлигига катта аҳамият беришган. Изланишлар натижасига кўра, уруғлик чигит жуда эрта ёки кеч муддатларда экилса, ғўза ҳосилдорлиги пасайиб кетади.

Ш. Козубаев, Д. Рашидова, Р. Эгамбердиевлар эътироф этишларича, уруғлик чигит соғломлиги эрта аниқланган ҳамда эрта экилган ва агротехник ишловлар ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилган ғўзадан нафақат юқори ҳосил, балки сифатли уруғлик маҳсулот ҳам олиш мумкин [4, 5].

Р. Ахмедов, Э. Ҳасановларларнинг таъкидлашича, ғўза навларида 1000 донга чигит вазнининг юқори бўлиши нафақат лаборатория шароитидаги унвчанликка, балки, дала унвчанлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатар экан [6].

Материал ва услублар. Тажриба Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияси илмий-тадқиқот институти селекционер олимлари томонидан яратилган янги С-9090, С-4728, С-9091 ва районлашган С-6524 навлари устида олиб борилди.

Олиб борилган лаборатория тажрибалари натижасида экиш олдида барча янги навлар бўйича уруғчилик лабораториясига экинбоплик сифатини аниқлаш учун уруғ намуналари танлаб олинди. Лаборатория шароитида уруғлик чигит унвчанлигини аниқлашда намуна танлаб олишга катта эътибор берилди. Намуна танлаш О'zDSt 1080 "Уруғлик пахта ва уруғлик чигит. Намуна танлаб олиш усуллари" давлат стандарти бўйича амалга оширилди. Мазкур стандартда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилган:

- нуқтавий биринчи намуна – кўп бўлмаган уруғ миқдори бўлиб, белгиланган партида бир нуқтадан олинган намуна;
- умумлаштирилган (ўртача) - намуна биринчи партиядан олинган нуқтавий намунанинг бирлаштирилган йиғиндиси;

- тақдим қилинадиган намуна – уруғчилик лабораториясига таҳлил қилиш учун топшириладиган намуна;

- ишчи намуна – бу намуна лаборатория шароитида таҳлил қилиш учун юборилган умумлаштирилган намунадан ажратилган бўлиб, уруғларнинг сифат кўрсаткичлари аниқланади.

- субпроба (майда тортимлар) – бу ишчи намунанинг бир бўлаги бўлиб, уруғнинг сифат кўрсаткичлари аниқланадиган намуна.

Лаборатория шароитида уруғлик чигитларнинг унвчанлиги кум ва филтр қоғозларда О'z DSt 1128:2017 "Уруғлик чигит. Унвчанликни аниқлаш усуллари" Давлат стандарти асосида аниқланиди. Намуналар қуйидагича олинди:

Уруғнинг унвчанлигини аниқлаш учун ҳар бири 100 дондан тўртта ишчи намуналари ишлатилади;

Дориланган уруғлардан, унвчанликни аниқлаш учун лабораторияга келтирилган ишчи намуналар жойланган қопчалардан бевосита субнамуна санаб олишга рухсат берилади.

Экиш ишлари кум ва филтр қоғозда амалга оширилади. Кумни тайёрлаш жараёни – кум навбати билан диаметри 1,0 mm ва 0,5 mm ли элаклардан ўтказилади. Иккинчи элақда қолган кум то тоза сув оққунча ювилади.

Ювилган кум қуритилади ва унинг устига қоғоз парчаси солганда қорайгунга қадар қиздирилади, ундан кейин кум диаметри 0,5 mm ли элақда қайта эланади.

Туксизлантирилган ҳамда камтукли чигитларни экишдан олдин 50 фоизгача ва тукли чигитлар учун эса 60 фоизгача хона ҳароратида қайнатилган сув билан намланади. Намуналар олиб бўлингандан кейин филтр қоғоз ҳамда кум экиш учун тайёрланади.

Чигит термостатда қоронғида $25 \pm 2^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ўстирилади. Чигит ўстиришда ҳарорат термометрлар ёрдамида назорат қилинади. Бунда термометрлар шундай жой-

Янги навлар чигитининг экиш сифатлари

№	Янги навлар	Уруғнинг унувчанлиги, %	1000 дона чигит вазни, г	Уруғнинг пишганлиги	Чигитдаги қолдиқ толалар, %
1	C-9090	97,5	125,3	98/5	1,0
2	C-4728	96,7	120,2	98/9	1,2
3	C-9091	97,0	115,9	97/17	1,1
4	C-6524	97,0	117,2	98/4	1,1

лаштирилиши керакки, термостатнинг биринчи, учинчи ва бешинчи тахмончаларига ўрнатилган растилнилардаги филтёр қоғозга симоб ёки қўшимча ранга тўлдирилган шариги ёпилиб турсин. Субстратдаги ҳарорат йўл қўйиладиган фарқдан 6 соат давомида юқори бўлса, уруғ ўстириш тўхтатилади ва синаш қайтарилади.

Лаборатория шароитида 1000 дона чигит вазни таҳлиллари O'zDSt 3354:2018 "Уруғлик чигит. 1000 дона чигит вазнини аниқлаш усули" Давлат стандарти асосида аниқланди.

Натижалар ва мунозара. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча янги навлар уруғларининг унувчанлиги 90% дан юқори бўлди.

Нав муаллифларининг берган нав тавсифига кўра C-9090 навининг 1000 дона чигит вазни (115-125 г), C-4727 навида (130-135 г), C-9091 навида (130-135 г) ва C-6524 навида эса (115-125 г) эканлиги кўрсатилган.

Экиш учун ажратиб олинган уруғларнинг 1000 дона чигит вазни бўйича C-6524 навида 117,2 г, C-9090 навида 125,3 г, C-4728 навида 120,2 г, C-9091 навида эса 115,9 г. га тенг эканлиги қайд қилинди.

Уруғлик чигитнинг пишганлигини аниқлашда (O'zDSt 663:2017) қўлда ёки уруғ ҳисоблагич ёрдамида ишчи намунадан танланмасдан ҳар бир 100 та дан иккита намуна саналади.

Уруғликнинг пишганлигини аниқлаш усули асосан уруғни кўз билан баҳолаш орқали амалга оширилади, пишган уруғлар чигитнинг шохсимон қобиқ қатламнинг турли ранглари бўйича танлаш хусусиятига эга бўлади.

Уруғдаги ортиқча намликни йўқотиб бўлгач, нам уруғлар шиша устига қўйилади ва чигит қобиғининг ранги бўйича 4 гуруҳга бўлинади.

I- гуруҳ - пишган уруғлар, тўқ-гилос ранг, жигарранг-қизил тусли;

II- гуруҳ - пишган уруғлар, оч гилос рангли;

III- гуруҳ - етилиб пишмаган уруғлар, тўқ сариқ ва оч жигарранг тусли;

IV -гуруҳ - пишмаган уруғлар, оч сариқдан оқш рангача.

Қачонки 85% гача чигит юзасидаги ранги биринчи ва иккинчи гуруҳларга тааллуқли бўлса, олачипор уруғлар пишган уруғлар таркибига киритилади.

Уруғларнинг ўртача пишганлиги иккита такрорда 100 та дан уруғликда ҳисобланди.

Тажрибамизда уруғлик чигитнинг пишганлик даражасидан олинган натижалар шуни кўрсатдики, C-6524 навида 96%, C-9090 навида 97%, C-4728 навида 98% ва C-9091 навида эса 96% эканлиги аниқланди.

Чигитдаги қолдиқ толаларни аниқлаш O'zDSt 663:2017 стандарти бўйича олиб борилди, бу кўрсаткич бўйича C-6524 нави 1.2%, C-9090 нави 1.5%, C-4728 нави 1.4% ва C-9091 навида эса 1.3% эканлиги аниқланиб, стандартдан юқори бўлди.

Хулоса. Тажрибаларда ўрганилган 1000 дона чигит вазнини аниқлаш жараёнида кўрсаткичлар нав муаллифлари томонидан берилган тавсифдан паст бўлганлиги аниқланиб, 1000 дона чигит вазни лаборатория шароитида уруғларининг унувчанлигига таъсир қилмаганлиги баробарида, C-9090 ғўза нави назорат сифатида олинган C-6524 навидан юқори бўлганлиги, C-4728 ғўза нави эса назорат навидан паст эканлиги, шунингдек, C-9091 нави эса назорат нави билан чигитларнинг униб чиқиши деярли фарқ қилмаганлиги аниқланди.

Тадиқотларга жалб этилган навларнинг экинбоплик сифати ўрганилганда, селекционер олимлар томонидан берилган нав тавсифномасида келтирилган маълумотлардан деярли фарқланмади.

АДАБИЁТЛАР:

1. O'z DSt 1128:2017 "Уруғлик чигит. Унувчанликни аниқлаш усуллари" Давлат стандарти. –Тошкент. -2017.
2. O'zDSt 1080:2017 "Уруғлик пахта ва уруғлик чигит. Намуна танлаб олиш усуллари" Давлат стандарти. –Тошкент. -2017.
3. OzDSt 3354:2018 "Уруғлик чигит. 1000 дона чигит вазнини аниқлаш усули" Давлат стандарти. –Тошкент. -2018.
4. Козубаев Ш., Рашидова Д., Эгамбердиев Р. «Значение раннего определения здоровья семян». Журнал "Агро илм". –Ташкент. 2010 г. №3 (15),
5. Ахмедов Р., Ҳасанов Э. Сара уруғ. // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали. Тошкент, 2006 й. №8, 16-17-б.
6. Мамарахимов Б., Козубаев Ш.С. Ёза уруғчилигини такомиллаштириш омиллари. -Монография. –Тошкент. -2013. 237 бет.